

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА РАҚАМЛИ ДИДАКТИКАНИНГ МАҚСАД,  
ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ФУНКЦИЯЛАРИ

Сафарова Рохат Гайбуллаевна

ЎзПФИТИ, “Узлуксиз таълим психологияси ва педагогикаси” бўлими бошлиғи,  
педагогика фанлари доктори, профессор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10980428>

**Аннотация.** Ушбу мақолада рақамли дидактика, унинг мақсад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи ва талаба ёшларни узлуксиз ривожлантиришида рақамли дидактиканинг имкониятлари, рақамли дидактик жараёнларда таълим олувчиларни босқичма босқич узлуксиз ривожлантириши имкониятлари XXI аср кўникмалари ва компетенцияларини шакллантириши ҳамда ривожлантириши жараёнининг характери, хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** рақамли таълим, дидактика, рақамли иқтисодиёт, жамият, техника, технология, ижтимоий тармоқлар, рақамли дидактика, ўқувчилар, талабалар, профессионал таълим, олий педагогик таълим, рақамли дидактиканинг мақсади, универсал кўникмалар, касбий компетенциялар, XXI аср кўникмалари, коммуникация.

**Аннотация.** В данной статье цифровая дидактика, ее цели и задачи, особенности, возможности цифровой дидактики в непрерывном развитии учащихся и обучающихся, возможности поэтапного непрерывного развития обучающихся в цифровых дидактических процессах, характер и особенности обсуждается процесс формирования и развития навыков и компетенций XXI века.

**Ключевые слова:** цифровое образование, дидактика, цифровая экономика, общество, техника, технологии, социальные сети, цифровая дидактика, учащиеся, студенты, профессиональное образование, высшее педагогическое образование, цель цифровой дидактики, универсальные навыки, профессиональные компетенции, навыки XXI века, коммуникация.

**Abstract.** In this article, digital didactics, its goals and objectives, features, the possibilities of digital didactics in the continuous development of students and students, the possibilities of stage-by-stage continuous development of students in digital didactic processes, the nature and features of the formation and development of skills and competencies of the 21st century are discussed.

**Keywords:** digital education, didactics, digital economy, society, technology, technology, social networks, digital didactics, students, vocational education, higher pedagogical education, the purpose of digital didactics, universal skills, professional competencies, 21st century skills, communication.

Бугунги кунда рақамли дидактикани ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқда. Рақамли дидактиканинг объекти таълим тизими ва ўқитиш жараёни ҳисобланади. У рақамли дидактик жараён имкониятларини амалда намоён этади. Рақамли технологиялар ва дидактик воситалар мақсадга эришиш учун қулай имконият яратади. Бу жараён рақамли иқтисодиёт ва Ўзбекистон жамияти талабалари асосида амалга оширилади. Рақамли дидактиканинг асосий хусусияти рақамли жамиятда яшаётган ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда педагогик жараёнларни ташкил этишдан иборат. Рақамлаштириш шароитида телекоммуникатив ҳамда рақамли технологиялардан кенг қўламда фойдаланиш дидактик жараённинг мазмунини

чуқурлаштириш ва кенгайтиришни тақозо этади. Мазкур ҳаракатлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Чекланган миқёсдаги синф-дарс тизимида амалга ошириладиган ўқув жараёнидан турлича муҳит ва вазиятларда ўқитишни амалга ошириш, бунда тармоқли ва виртуал дидактиканинг имкониятларидан фойдаланишга ўтиш.

2. Таълимни ташкил этишга асосланган ўқув жараёнидан мустақил ҳамда тармоқлар орқали билим олиш муҳитини вужудга келтири.

3. Ўқитиш ва ўқув фаолиятини ташкил этишдан лойиҳалаш, таълимий йўналишларини ташкил этиш ва ўзлаштиришга оид ҳаракатларни амалга ошириш тизимида ўтиш.

4. Ўқитувчининг асосий етакчи фаолияти бўлган таълим-тарбия беришдан рақамли таълим жараёнда ўқитувчининг ранг-баранг фаолиятини амалга ошириши учун қулай дидактик вазиятлар яратишга ўтиш.

Рақамли таълимни амалга ошириш имконини берадиган дидактик жараённинг бирлиги бугунги кунда рақамли таълимнинг экотизим атамаси орқали ифодаланмоқда. Бундай экотизимлар дидактик тармоқлар, касбий-таълимий кластерлар, ҳудудлар ва соҳалар доирасида ўрганилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир таълим ташкилоти гарчанд бир нечта экотизимга эга бўлсада, тўлақонли таълимий экотизим сифатида баҳоланмайди, балки муайян экотизимнинг элементи сифатида талқин этилади.

Рақамли дидактиканинг предмети сифатида рақамли таълим муҳитида амалга ошириладиган ўқув ва яхлит таълим жараёни ўрганилади. Рақамли таълим экотизими таркибига қуйидагилар киради: рақамли иқтисодиёт ва рақамли жамият талаблари асосида таълим жараёнига қўйиладиган мақсадлар ва кутилаётган натижалар; таълим мазмуни ва уни танлашга қўйиладиган талаблар; рақамли технологияларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни усуллари ва йўллари педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда виртуаллаштириш, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва тармоқларга кўра тақсимлаш механизмлари; рақамли технологияларнинг дидактик имкониятларидан фойдаланишнинг шакллари, технологиялари ва методлари; ягона интеллектуал комплекс таркибига бирлаштириладиган ўқитишнинг рақамли воситалари, тармоқнинг дастурий аппарати; рақамли таълим жараёнининг мутахассислар тайёрлаш ва жамиятнинг иқтисодий ҳаётига таъсири кабилар.

Шунга кўра рақамли дидактика замонавий технологиялардан чуқур ўйланган ҳолда фойдаланишни тақозо этади. Шунга кўра ўқув жараёни воситалари қуйидаги саволларга жавоб бериши керак: Ўқув жараёнида муайян рақамли инструментлардан нима учун фойдаланилади? Ўқув жараёнида қандай рақамли инструментлардан фойдаланиш мумкин? Ўқув жараёнида айнан қайси рақамли инструментлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ? ва х.к.

Таълим тизимидаги маъмурий-бошқарув жараёнлари рақамлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлиб, бироқ улар рақамли дидактиканинг предметига айланмаган. Жумладан маъмурий ҳужжатларни сақлаш ва қайта ишлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш, рақамли таълим жараёнини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, таълимни рақамлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кабилар.

Рақамли дидактика ўзининг мақсади ва натижаларига эга. Рақамли таълим ва ўқитишнинг мақсадларини белгилаш бир қатор ўзига хос жиҳатларида намоён бўлади. Улар:

1. Raқamli taъlim jараёнининг асосий дидактик мақсади битирувчиларнинг рақамли иқтисодиёт ва жамиятда муносиб фаолият кўрсатишлари учун улар олдига қўйиладиган талаблар асосида умумий ҳамда касбий тайёргарликни амалга оширишдан иборат.

2. Raқamli технологияларни қўллаш билан боғлиқ тарзда вужудга келадиган янги талабларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятларни аниқлашни назарда тутган ҳолда рақамли таълимнинг мақсадлари белгиланади.

3. Мунатазам ўзгарувчи техника, технологиялар ва ижтимоий шароитлар билан боғлиқ тарзда битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси билан ўқув жараёни орасида вужудга келадиган зиддиятларни бартараф этиш назарда тутилади. Улар таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган техник талабалардан иборат. Олий педагогик таълим жараёнининг бундай моделини ишлаб чиқиш заруияти кучаймоқда. Бу модел очиқ ва мунтазам ривожлантирувчи дидактик мақсадни амалга оширишда муваффақиятли фаолият кўрсатиш имконини бериши лозим.

4. Raқамлаштириш шароитида таълим мақсадларини аниқ белгилаш педагогик-психологик, ижтимоий ҳамда дидактик хатоларни минимал даражада камайтириш имконини бериши керак. Чунки бу жараён ўзида рақамли жамиятга ўтиш имкониятини мужассамлаштиради.

Ушбу ўринда рақамли жамиятда вужудга келаётган янги тарбиявий вазифаларни ҳисобга олиш талаб қилинади. Масалан,

- ўқувчи ва талаба шахсининг узлуксиз тарзда вужудга келаётган янги ўзгаришларга тайёрлик даражасини ривожлантириш, маълумки бу жараён мавжуд кадриятлар ва установакаларни трансформациялаш заруиятини қўймоқда. Бунинг учун таълим олувчиларда ноаниқ вазиятларга мослашиш, атрофдагилар ва ўзгаришларга нисбатан толерант муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш назарда тутилади;

- виртуал ва реал олам орасидаги ички чегарани аниқ белгилаш, ўқувчиларда ушбу ҳар икки оламни ўзаро табақалаштирган ҳолда фарқлаш ҳамда унга масъулият билан ёндашиш кўникмасини шакллантириш;

- таълим олувчиларни тармоқларга ижтимоийлаштириш жараёнини педагогик жиҳатдан таъминлаш, анъанавий ижтимоийлаштириш билан бир қаторда тармоқ коммуникациясига оид маданиятни шакллантириш;

- таълим олувчиларда ахборотларни танқидий таҳлил қилиш, рекламалар, шов-шувли ахборотларни саралаш ва объектив кўникмасини ривожлантириш;

- таълим олувчиларнинг узлуксиз ўзгаришларга тайёрлик кўникмасини ривожлантириш;

- ўқувчи ҳамда талабаларда муносабатлар тизимида ижтимоий масъулиятлилик кўникмасини шакллантириш, бунда инсон, рақамли воситалар, жамият муносабатлари тизимини барқарорлаштиришга эътибор қаратиш назарда тутилиши керак. Бу жараёнда рақамли воситалар инсоннинг инсон устидан ҳукмронлик қилиши ва уни манипуляция қилишига йўл қўймаслик талабига устувор ўрин ажратилади.

Raқamli иқтисодиёт ва жамият кенг қўламли динамик тарзда ўзгариб борадиган талабларни таълим тизими битирувчилари олдига қўйиб, ушбу талаблар асосида иккита турли туман характерга эга бўлган дидактик мақсадларни белгилаш имкониятини тақдим этади. Бундай вазиятда олий педагогик таълим жараёни ҳар иккала мақсадни амалга оширишга йўналтирилиши лозим. Бу жараёнда таълим натижалари мутахассиснинг

умумий тайёргарлигини таъминлаб, унинг рақамли жамиятда муносиб фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган компетенцияларни шакллантириши талаб қилинади. рақамли иқтосидиёт шароитида мутахассиснинг самарали фаолият кўрсатишига имкон берадиган компетенциялар босқичма босқич узлуксиз тарзда шакллантирилади.

- Умумий ўрта таълим босқичида ўқувчиларда таълимнинг фундаментал асослари тақдим этилади, улар ёрдамида комплекс характердаги ўқув предметлариаро универсал кўникмалар шакллантирилади.

- Умумий ўрта таълимнинг якунловчи босқичи, яъни 10-11-синф ўқувчиларида кўникмаларни қўллаш тажрибаси, яъни таянч ва фанга оид компетенциялар шакллантирилади. Мазкур компетенциялар таълимнинг фундаментал асосларини ташкил этиб, ўзига хос аҳамиятга эга бўлган билим, кўникма, малака ва компетенциялар шаклида намоён бўлади. Ушбу компетенциялар XXI аср кўникмаларини ўзида мужассмлаштиради. Улар куйидагича гуруҳланади, рақамли кўникмалар, математик кўникмалар, ахборотларга асосланган кўникмалар, коммуникатив кўникмалар, ҳуқуқий кўникмалар, экологик кўникмалари, фуқорлик кўникмалари ҳамда валеологияга оид кўникмалар.

- Профессional таълим босқичида эса функционал саводхонлиги доирасида комплекс универсал ва умумкасбий шакллантиришга йўналтирилган ўқув топшириқлар тақдим этилади. Шунингдек соҳавий тайёргарликни таъминлаш мақсадида шакллантириладиган компетенциялар назарда тутилади.

- Профессional таълим жараёнида қўшимча тарзда умумкасбий ҳамда касбий компетенцияларни ривожлантириш назарда тутилади. Алоҳида ҳолатларда эса универсал компетенциялар шакллантиришга ҳам эътибор қаратилади.

Гарчан рақамли компетенциялар профессионал ҳамда олий педагогик таълимнинг асосий натижаларида ўз ифодасини топсада айрим ҳолларда универсал, баъзи вазиятларда эса касбий компетенциялар сифатида намоён бўлади. Уларнинг иккиёқлама характер касб этиши амалга ошириладиган ўқув жараёнининг характерига боғлиқ.

## REFERENCES

1. Шаронин Ю.В. Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личносно ориентированной Smart-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – № 1.
2. Хашимова Д.П. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil 151 3/2020
3. [Равшан Ҳамдамович Аюпов](#) Рақамли технологиялар: инновациялар ва ривожланиш истиқболлари, - Т.: [Низомий номидаги ТДПУ](#), 2020. – 377 б.